

Ҳадис 175-дарс. Билмаган нарсасини гапиришнинг ўзи залолат



20:30 / 16.03.2022 3510

أَلَا قَدْ مَلَسَ وَهِيَ لَعْنَةُ الْجَلِيلِ صَبَّيْ بِنِ لِنَعْنَعُ ، هُوَ نَعْنَعُ الْجَلِيلِ يَضَرُّ وَرَمَعَنْ بِنِ هَلْ لَدَبَعَنْ
ضَبَّ قَبْ مَلَعْلَعُ ضَبَّ قَيْ نَكَلْ وَ دَابَّ لِنَمُ هُوَ عَزْتَنْ يَأْعَزْتَنْ مَلَعْلَعُ ضَبَّ قَيْ أَلْ هَلْ لِنِ
رِيْ غَبْ أَوْ تَفْ أَوْ لِيْ سَفْ أَلْ هُجْ أَسْ وَ عُرْسُ أَنْ لَدَخَّتْ أَمْلَعُ قَبَّيْ مَلْ إِذِ تَحْ أَمْلَعُ لِ
يْ ذِمَّرْتْ لَأَوْ نَأْ حِيْ شَلْ هَأَوْرْ . أَوْلَ ضَأْ أَوْ أَوْلَ ضَفِ مَلَعُ

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ илмни одамлардан бир суғуриш ила суғуриб олмайди. Лекин илмни уламоларнинг (жонини) қабз қилиш ила чангаллаб олади. Қачонки олим қолмаганда, одамлар жоҳил бошлиқларни тутадилар. Бас, ўшалардан сўралади. Улар эса илмсиз равишда фатво берадилар. Шу билан ўзлари ҳам залолатга кетадилар, ўзгаларни ҳам залолатга кетказадилар», дедилар».

Икки Шайх ва Термизий ривоят ривоят қилганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ушбу ҳадиси шарифларида шаръий илмлар қай тарзда йўқолиб бориши ва унинг оқибатлари ҳақида баён бермоқдалар.

«Албатта, Аллоҳ илмни одамлардан бир суғуриш ила суғуриб олмайди».

Яъни, шаръий илм ҳозир одамлар ичида мавжуд. У бир вақт келиб, йўқ бўлади. Йўқ бўлиши эса илмнинг ўзини одамлар ичидан алоҳида бир тарзда суғуриб олиш билан бўлмайди.

«Лекин илмни уламоларнинг (жонини) қабз қилиш ила чангаллаб олади».

Яъни, Аллоҳ таоло уламоларни аста-секин, бирин-кетин вафот эттириб бораверади. Уламолар бирин-кетин дунёдан ўтиб, тугаб бораверадилар. Ўринларига янги олимлар чиқмагач, илм ҳам йўқолиб бораверади. Натижада илм йўқ бўлади. Бу эса ўз навбатида аянчли оқибатга олиб келади.

«Қачонки олим қолмаганда, одамлар жоҳил бошлиқларни тутадилар».

Олимлар бирин-кетин ўтиб кетиб, тугайдилар. Одамлар бошлиқсиз қоладилар. Ана ўшанда илмсиз, шариатдан хабари йўқ одамни ўзларига бошлиқ қилиб оладилар.

«Бас, ўшалардан сўралади».

Яъни, ўша жоҳил бошлиқлардан одамлар турли нарсалар хусусида фатво сўрашади.

«Улар эса илмсиз равишда фатво берадилар».

Бу жуда ҳам хатарли ҳолат. Илмсиз, жоҳил одам мусулмонларга бошлиқ бўлиб қолган. Мусулмонлар ҳаётида доимо янги-янги масалалар, турли саволлар пайдо бўлиб туради. Улар буни бошлиқларидан сўрайдилар. Жоҳил бошлиқнинг эса бу масалани мен еча олмайман, дейишга ори келади. Илмсиз эканлигини тан олишга жасорати етмайди. «Модомики, одамлар мени бошлиқ деб билишяптими, мендан фатво сўрашяптими, демак, мен бошлиқман, мен биламан», деб, хаёлига келган гапни гапираверади. Натижада:

«Шу билан ўзлари ҳам залолатга кетадилар, ўзгаларни ҳам залолатга кетказадилар».

Билмаган нарсасини гапиришнинг ўзи залолат, адашув, улкан гуноҳдир. Шариат ҳукмини билмасдан туриб, бошқа бир кишига нотўғри нарсани «шу шариат ҳукми», деб айтиш эса тенги йўқ залолатдир. Чунки шариатдан бошқа ишларда билмасдан гапириб, йўл қўйилган хато туфайли бу дунёнинг баъзи бир ишларига зарар етиши мумкин. Аммо шариат бўйича жоҳиллик билан гапиришдан эса бу дунё ҳам, охираат ҳам куяди. Чунки

шариат масаласи ҳалол-ҳаром, савоб-гуноҳ, жаннат-дўзах орасида айланадиган масаладир. Бу ишда билмасдан фатво бериш фатво берувчининг ўзини залолатга кетказди. Шу билан бирга, ўша илмсиз равишда фатво берган одам ўзгаларни ҳам залолатга кетказди. Унинг хато фатвоси ҳамма ёқни бузади. Одамлар фалончи айтди, деб, унинг гапини бир-бирларига етказдилар. Ўзаро тарқатадилар. Натижада залолат кенг тарқалади.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Аллоҳ таоло шаръий илмни одамлар ичидан суғуриб олмаслиги.
2. Уламоларнинг ўлими илмнинг йўқолишига сабаб бўлиши.
3. Жоҳил одамларни бошлиқ қилиб олмаслик кераклиги.
4. Шаръий ишларда билмасдан туриб, фатво бермаслик.
5. Жоҳил кишилар бошлиқ қилиб олинганда залолатнинг тарқалиши.

Энди ушбу ҳадиси шарифни ҳаётимизга солиштириб кўрайлик. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳадислари мўъжиза эканлиги баъзи бир мусулмон халқлар ҳаётида очиқ-ойдин намоён бўлди. Ўша халқларнинг уламолари худосиз, золим ҳокимлар томонидан ўлдирилди, қамалди ёки сургун қилинди. Соғ қолганлари ҳам аста-секин кексайиб, дунёдан ўтиб кетдилар. Натижада ҳақийқий шаръий илм ўша диёрдан кўтарилди.

Ўзини билган ҳар бир миллат ўзидан етишиб чиққан уламоларни эъзозлай олади. Ҳақийқий олимларидан дийну диёнат, иймон-эътиқод, элу юрт фойдаси учун фойдалана билади. Чунки бундай одамларнинг борлиги ҳар бир халқ, ҳар бир миллат учун катта бахтдир. Улар оламдан ўтишлари билан бу бахт ҳам кетади.

«Олимнинг ўлими – оламнинг ўлими» деб, бежиз айтилмаган. Ўзлигини таниган ҳар бир миллат доимо ўз эҳтиёжларини қондирадиган даражада уламолари бўлиши учун қўлидан келган ишни қилган ва қилади. Бу ишни қилмай яшаган миллат эса жоҳиллик ҳукмронлиги остида залолатга юз тутди.

Шаръий илмни яхши ўзлаштирмаган кишидан бирор масала хусусида сўралганда унинг «Бу масалани мен билмайман» дейиши билмасдан, тахминан жавоб беришидан кўра афзал ҳисобланади. Зеро, шаръий масалаларда фатво бериш, турли саволларга жавоб қайтариш учун дийний

мансаб ёхуд чиройли салла-чопон восита бўла олмайди. Бундай мақомга шаръий илмларни ўқиган ва ўша илмнинг устозларидан ижозат олган, тақводор, ростгўй, илмига амал қилувчи киши лойиқ саналади.

Мусулмонлар ана шундай кишиларни олим сифатида ҳурмат қилиб, эъзозлашлари, улардан фатво сўраб, турли ишларда иршодлар олишлари зарур.

Беш-олти сурани чала ёд олиб, икки-учта ҳадиснинг маъносини бировдан ўрганиб олган, ўзини «аллома» қилиб кўрсатишга уринаётганлардан эҳтиёт бўлиш керак. Шунингдек, араб тилини билиш ёки баъзи араб юртларига бориб келиш ҳам кишига шаръий масалада фатво айтиш ҳуқуқини бермайди.

Кишининг араб бўлиши, арабча кийиниши, муқаддас жойларда истиқомат қилиши ҳам унинг олимлигига далолат қилмайди. Зеро, бундай васфга эга бўлганлар ичида дунёнинг энг жоҳил одами унвонини олганлар қанча!

Кўлга тушган ҳар бир китобни «ҳақийқат шунда экан», деб ўқиб кетавериш ҳам яхшиликка олиб бормайди. Кимнинг китобини ва қайси йўналишдаги китобни ўқишни ажрата билишда ҳам гап кўп. Бу масалада ҳам ҳушёр бўлиш керак. Чунки мусулмонлар орасини бузиш, дийнга зарба бериш мақсадида мусулмон диёрларида айрим уламолар номидан кўплаб зарарли, ишончсиз, бетайин китоблар ҳам тарқатилмоқда.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди